



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqarib boshlagan

www.uzas.uz

2018-yil 27-iyul №31 (4481)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

МИЛЛИЙ КИНОИНДУСТРИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Махаллий кино саноати миллий маданият ва санъатни ривожлантиришга, ёшларни садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, кекса авлодга хурмат-эҳтиром кўрсатишга бебаҳо хисса қўшмоқда. Кино инсон билимини орттиришда муҳим роль ўйнайди, унинг бой мазмуни эса аҳолининг билим-донлик даражасига бевосита таъсир қилади.

Шу билан бирга, мазкур соҳадаги ишларнинг ҳақиқий ҳолати миллий кино саноатининг жадал ривожланишига, жадид кино бозорида рақобатбардорликни оширишга, уни чет элда тарғиб қилишга тўқинлик қиладиган бир қатор ҳал этилмаган муаммолар мавжудлигидан далолат бермоқда. Хусусан:

биринчидан, ишлаб чиқаришда кино маҳсулотларининг мақдурининг бадиий даражасининг пастлиги, сценарийнавислик, режиссёрлик ва актёрлик маҳоратларининг етарли даражада сифатли эмаслиги, ёшлар учун маънавий намуна бўлиб хизмат қиладиган бадиий образларнинг кўпича мавжуд эмаслиги миллий кинематографиянинг асосий мақсадлари бўлган — ёш авлодни жасорат ва қатъиятлик руҳида тарбиялаш, ёт "оммавий маданият"га қарши курашиш каби ларни амалга оширишга имкон бермайдиган;

иккинчидан, кино маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича давлат буюртмасини бериш юзасидан шаклланган амалиёт татбиқ қилинадиган тартибларнинг очиклиги ва шаффофлигини,

бюджет маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланишни, шунингдек, кинематография соҳасида соғлом рақобат муҳитини ривожланишига тўқинлик қилади;

учинчидан, кино саноати соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш стратегияси, ишлаб чиқаришда кино маҳсулотларининг ўзини оқлаши ва даромад келтиришига қаратилган замонавий маркетинг тадқиқотлари ва аниқ мақсадли кино ишлаб чиқариш дастурларининг мавжуд эмаслиги миллий кинематографиянинг юқори зарар билан ишлашига олиб келмоқда;

тўртинчидан, кинопрокат ва республика бўйлаб кино маҳсулотларини етказиб бериш самарасиз тизимларининг мавжудлиги, ишлаб чиқаришда кино маҳсулотларининг етарли даражада тарғиб қилинмаслиги оқибатида аҳолининг суи хабардорлиги кинопрокатчилар даромадларига, кинокомпанияларнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш ҳолатларини моддий рағбатлантиришга салбий таъсир кўрсатиши, шунингдек, кинотеатрлар тармоғи фаолиятининг тугатилишига олиб келди;

бешинчидан, давлат буюртмаси бўйича ишлаб чиқариладиган кино маҳсулотларига ажратилган маблағларнинг етарли эмаслиги, кино ишлаб чиқарувчиларни солиққа тортиш тизимининг самарасизлиги ва юқори солиқ юки кино саноати соҳасининг рентабеллигини чеклайди ва кинематографиянинг умумжаҳон ривожланиш тенденциялари-

га мувофиқ илғор инновацион ва рақамли технологияларни жорий этишни рағбатлантирмайди;

олтинчидан, кино соҳасидаги кадрлар тайёрлаш тизими замонавий талабларга жавоб бермайди, ихтисослаштирилган, шу жумладан, чет давлатларнинг олий ўқув юртиларида талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш, кино санъати вакилларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишлари ташкил этилмаган;

еттинчидан, муаллифлик ҳуқуқи объектларини, шу жумладан, кино маҳсулотларининг ноқонуний тарқатилишини аниқлаш ва бартараф этиш, улар билан руҳсатсиз фойдаланишдан ишончли ҳимоя қилиш, қароқчиликка қарши курашишнинг аниқ механизмлари мавжуд эмаслиги кино маҳсулотларининг асл нусхаларини юқори даражада ноқонуний айланмасига ва мамлакатдаги кинокомпаниялар ва кинотеатрларга сезиларли зарар етказилишига олиб келади;

саккизинчидан, маҳаллий киноленталарни жаҳонга машҳур халқаро кинофестивалларга тақдим этиш, шу жумладан, уларда иштирок этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмагани, маданий ўзаро алмашинув даражасининг пастлиги эса миллий кинематографияни чет элда фаол тарғиб қилинишига ва унинг жаҳон кино майдонига қўшилишига имкон бермаётти.

Давоми иккинчи саҳифада.



Шарқ билан Фарб ўртасидаги маданий алоқалар мавзуси ҳамма даврларда долзарблик касб этган. Фарбнинг асрлар давомида Шарққа интилиб яшагани ҳақиқат. Бунга мозийдан мисоллар бисёр. Адабиёт тарихида ҳам: "Отелло" (Шекспир), "Боязид" (Ж.Расин), "Тангри қамчиси" (К. Марло), "Муҳаммад", "Заира" (Вольтер), "Мағрибу Машриқ девони" (Гёте), "Шарқ достонлари" (Байрон), "Шарқ мотивлари" (Гюго), "Форс мактублари" (Монтескье) асарлари... Бунга яна Фарб мамлакатларида миллий кадрларимизга бағишланган ишлардан ҳам билиш мумкин.

АДАБИЙ АЛОҚАЛАР ТАРИХИДА

Мисол учун, Ал-Фарғонийнинг фалакийёт илмига оид асарлари арабчадан лотин тилига ўгирилиб (Я.Гюлиус таржимаси), Амстердамда чоп этилган (1669). Махмуд Қошғарийнинг "Девону лугатит турк" асари (К.Броккельман таржимаси) Венгрия Фанлар академиясида тайёрланиб, нашр қилинган. Ҳаким ат-Термизийнинг қўлэмалари Байрут, Қоҳира, Истанбул, Париж, Берлин кутубхоналарида сақланмоқда. Форобийнинг мусиқа ҳақидаги китоби Париж (1930) ва Лондон (1931)да босилган. Манбаларда ўзбек-немис адабий алоқалари XIX асрдан бошланган, деган фикрлар айтилган. Тўғри, бу даврларда немис адабий муҳитига "Қутадғу билик", "Шайбонийнома", "Ўғизнома", "Муҳаббатнома", "Шажаъи турк", "Бобурнома" асарлари Вамбери, Броккельман,

Пуршталларнинг сай-ҳаракатлари туфайли Европага кириб келди. Аслида ўзбек-немис адабий алоқаларининг тарихий илдизи Алишер Навоий замонида бориб боғланади. Умуман, Европада Шарқни ўрганишга мойиллик кучайган даврда Германияда Пурштал, Хердер, Гёте, Рюккерт, Вамбери, Курелла "Шарқлашмоғимиз керак!" деган шior билан чиққан эдилар. Бу сай-ҳаракат туфайли Шарқнинг "етти буюк аллома"си: Фирдавсий, Анвори, Низомий, Румий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий иқоди Фарбга кириб келади. Е.Э.Бертельснинг фикрича, Алишер Навоийнинг "Саъбый сайёр" достони немис тилига италянчадан ўгирилган (Й.Ветцел таржимаси) ва Базелда (1583) чоп этилган. Италия тилига форсча матн асос бўлган.

► 3

ВОКЕА, ЯНГИЛИК ВА ХАБАРЛАР

20 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент шаҳрида "ММФИ" миллий тадқиқот ядро университети" федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг филиалини ташкил этиш ва унинг фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга биноан Ўзбек шаҳарчасидаги радиомейвёвий комплекс туташ ҳудудлари билан бирга ушбу таълим муассасасига берилади. Шу куни Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбек шаҳарчасидаги ЎЗФА Ядро физикаси институтига ҳам ташир буюрди, ҳамда Фанлар академияси ва илмий-тадқиқот институтлари вакиллари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан мулоқот қилди.

Пойтахтимизда қуриладиган ер усти халқа метро-си йўналишларининг илк босқичи 2019 йил Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширилади. Метро йўлидаги поезд ва бошқа техникаларни бошқариш учун 50 нафар мутахассис Жанубий Корея ва Хитойда малака оширмоқда. Метрода ҳаракатланадиган янги поездлар ҳам тайёрланмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев 24 июль куни Россия Президенти Владимир Путин, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбаев, Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон, Қирғизистон Президенти Сооронбай Жээнбеков ва Туркия Президенти Режеп Эрдоғон билан телефон орқали мулоқот қилди. Президентлар мулоқотда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевни тугилган куни билан самимий табриклаб, кўп миллатли халқимизга тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик тиладилар.

Тошкентдаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида халқаро "Олтин белбоғ" турнири бўлиб ўтди. Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон, Россия каби ўн давлатдан келган полвонлар кураш ва белбоғли кураш бўйича беллашдилар.

"Навоий вилаетида ўрмон хўжалиқларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, Нурота давлат ўрмон хўжалиги, Қарман туманида Чўл ҳудудларида ўрмончиликни ривожлантириш илмий маркази ташкил этилади. Нуротанинг Сентапсой ва Чўя ҳудудларида ўн минг гектар майдонда pista плантациялари барпо қилинади.

Нукусда "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Амударё туманидан Шаҳноза Матсапаева "Ватан" қўшиғи билан биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг мамлакат босқичига йўланма олди.

Самарқанддаги "Ипак йўли" туризм университети-нинг таълим жараёнларида Париждаги Туризм академияси мутахассислари иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Халқимиз, бутун тараққийпарвар инсоният атоқли қирғиз адиби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини нишонлашга катта тараддуд кўраёттир. Улуғ тўй арафасида ёзувчининг буюк тарихимиз ва шавкатли аждодларимиз, бугунги Ўзбекистон ҳақидаги чиқишлари, дунё минбарлари орқали янграган нутқлари биз учун катта аҳамиятга эгадир. Шу муносабат билан Чингиз Айтматовнинг 1996 йил 24 октябрда Тошкентдаги "Туркистон" саройида "Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тугган ўрни" мавзусидаги халқаро илмий анжуманда сўзлаган нутқини газетхонлар эътиборига ҳавола қилмоқдамиз. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукр Холмирзаев рус тилидан таржима қилган.

Чингиз АЙТМАТОВ

СЎЗНАС МАЁҚ

Дунёнинг борди-келдисидан бохабар одамлар билалдиарки, вақт ўтиши билан илгари байроқ қилинган кадриятлар ҳам ўзгаради, унутилади. Ҳатто замонанинг ютуқ деб ҳисобланган воқеа ҳамда ҳулосалари ҳам ёддан чиқади. Бу — одатий ҳол. Назаримда, мен ҳам умрим давомида унча-мунча нарсани кўрдим. Аммо шу онда шу қадар ҳайратданман ва ифтихор туйғуларидан тўлиб тошаёттирманки, биздан бениҳоя узоқ даврда яшаб ўтган бир инсон рўпарамда бутун салобати билан қад қериб, ҳатто янги бир сифатларини намён қилиб, кадриятимизнинг тугидек турибди.



Ўзбек "темурунослиги" кекаги кунларимизга ҳам, бугунимизга ҳам дафъатан бошқача қарашга мажбур этди ва мен шунга амин бўлдимки, Амир Темурнинг сирли сиймоси умумбашарий кўламда, хусусан, туркийзабон эл-элатлар нигоҳида тарихлардан устун даражадаги бир тимсол бўлиб қолди. Бу инсон — ҳаммамиз учун умумтурск ватанпарварлигининг ўлчовимезони экан.

► 5

ИЛМ АҲЛИ САОДАТИ

Яратганга чексиз ҳамд ва санолар бўлсинки, бугун Ўзбекистонимизда катта ислохотлар олиб борилмоқда. Дунё аҳли Ўзбекистонга катта қизиқиш ва ҳавас билан қараётгани бор ҳақиқат.

Муҳтарам Президентимизнинг шаҳарчамизга ташири чоғида билдирган фикр-мулоҳазаларини тинглаб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Чунки бу сўзлар замирида Ватан ободлиги, халқ фаровонлиги, фарзандларимиз келажаги учун ғамхўрлик, юртнинг эртаси учун улкан масъулият мужассам. Юртбошимизнинг, шиддат билан ўзгараётган дунёда, эрта бизнинг ўрнимиз қандай бўлади? Нима қилсак фарзандларимизнинг келажаги ёруғ бўлади, каби саволлари аслида халқимиз қалбидagi гаплардир.

Президентимизнинг муқобил энергия турларидан фойдаланиш, бунинг учун тегишли шарт-шароитлар яратиш ҳақидаги фикрлари бевосита юртимиз муаммолари, келажакимизга дахлдордир. Бугунги давр ҳар қандай мамлакат олдида нефть, газ, кўмир каби қайта тикланмайдиган

энергия манбаларини тежаш, ресурсларнинг муқобилидан фойдаланган ҳолда иқтисодиёт ва аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш талабини қўймоқда. Жаҳоннинг барча мамлакатларида аҳвол шундай. Масалан, "қора олтин" саналмиш нефть бой Саудия Арабистони яқин йиллар ичида мамлакатнинг нефть боғлиқлигидан қутулиш режасини эълон қилди. Ушбу режани амалга ошириш учун "2030 йил манзараси" деб номланган иқтисодий ислохотлар лойиҳаси маъқулланди. Унга кўра, 2030 йилга бориб нефть ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳалардан олинандиган даромадларни кескин ошириш мўлжалланган. Ана шу мақсад йўлида дастлабки беш йилнинг ўзидаяк юқори натижаларга эришиш кўзда тутилган экан.

► 2

Муносабат

Уюшма фаолиятидан

АБАДИЙ ДЎСТИК

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасида "Жаҳон адабиёти" журналининг Тожикистон Республикасида бағишланган махсус сони тақдими бўлиб ўтди. Журнал саҳифаларида тожик мумтоз ва замонавий шеърининг атоқли намоёндалари М.Турсунзода, М.Қаноат, А.Сайфуллоев, Г.Сафиева, Б.Собир, Ҳ.Ғойиб, З.Атоева иқодидан намуналар, М.Бахтийнинг "Қария", А.Саманнинг "Қанийди", "От кетиб борарди" номли қисса ва ҳикоялари эълон қилинган.

Тожикистон Бадиий академияси академиги Абдулғаффор Абдуҷабборов ва ёзувчи Карас Сафаров ҳамда олимлар, шоир ва ёзувчилар, журнал таҳририяти аъзолари иштирок этган мазкур тадбирда адабий ҳамкорлик — абадий ҳамкорлик экани яна бир бор намён бўлди. Тадбирда мамлакатимизда тожик маданияти, санъати тарғиботи ва ўзаро адабий алоқалар ривожига қўшган ҳиссаси учун моҳир таржимон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Амир Файзулла ва таниқли драматург ва адабиётшунос Шухрат Ризаевга Тожикистон Бадиий академияси қошидаги Халқаро фундаментал таълим университетининг фахрий доктори унвони тақдим этилди.

РОМАН МУҲОКАМАСИ

Ёзувчилар уюшмаси Наср кенгашида ёзувчи Абдуҷалол Раҳимнинг "Абу Али ибн Сино" номли романи муҳокамаси бўлиб ўтди.

— Муаллифнинг улуг аллома ҳаёти, илмий фаолияти, ижодини чуқур ўргангани сезилиб турибди, — деди Наср кенгаши раиси, ёзувчи Абдуҷалом Йўлдош. — Асар самимий эҳтиром, меҳр билан ёзилган. Адабиётшунос Қозоқбой Йўлдош, таниқли ёзувчи Исҳон Султон, шунингдек, тадқиқотчи Раъно Исмомидинова ва бошқалар муаллиф ушбу асарда ижодий мақсадига эришганини таъкидлаб, айрим эътиборталаб ўринларни кўрсатиб ўтишди. Кенгаш асарни нашрга тавсия этди.

"ҲАМКОРБАНК"ДА УЧРАШУВ

Андижондаги "Ҳамкорбанк" акциядорлик тижорат банкнинг марказий биносида вилоят ижодкорлари билан учрашув ўтказилди. Ўзбекистон халқ шоири Тулан Низом, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари, шоира Хуршидабону, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари — Қамчибек Кенжа, Назиржон Саидов, адабиётшунос олим Баҳодир Раҳмон, журналист Шукрулло Нейматов ижодий, илмий изланишлари ҳақида тапшир, фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

БАЙРАМ ШУКУҲИ

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлганидек навоийлик ижодкорлар томонидан ҳам вилоятнинг Нурота, Қонимех туманлари ҳамда Навоий шаҳридаги бир қатор қишлоқ, овул ва муассасаларда "Азиз ва ягонаман, жонажон Ўзбекистоним!" шоири остида ижодий учрашув, давра суҳбатлари ташкил этилди. Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорликлар, китобхонлик маданиятини ошириш ва бошқа мавзударни қамраб олган бу учрашувлар жараёнида "Энг яхши китобхон" танлови сингари қизиқарли тадбирлар ҳам ўтказилмоқда.

Шу ўринда миллатимиз номини дунёга таратган улуғ олим Мирзо Улуғбек билан боғлиқ яна бир ривоят эсга тушади:

Бошланиши биринчи саҳифада.

Германияда ўзбек тили ва адабиётини илмий жиҳатдан ўрганишда "Ўзбек ва янги ўзбек адабиёти", "Ўзбек ва янги уйғур адабиёти" (И.-Бенцинг) китоблари, "Ўзбек тилида замонавий ижтимоий ҳаёт тушунчаларининг ифодаланиши" мавзусидаги тадқиқот, "Ўзбекистонда халқ маорифи", "Ўзбекистонда немис тили ўқитилиши", (Д.Шульц) каби мақолалар характерлидир. Синолог А.Габайн Фитратнинг "Хинд истилочилари"ни немисчалаштиради, "Ўзбек тили грамматикаси"ни яратади. Китоба-га Чўлпон, Н.Раҳимий, Ғайратий, Элбек ижодидан намуналар илова қилинган. З.Клайнмхелнинг "Ўзбек тилидан машқлар" дарслиги ўша анъананинг давомидир. Тўпламни яратиб-дан мақсад талабаларнинг ўзбек тилида сўз бойлигини ошириш, оғзаки нутқини ўстиришдан иборат бўлган. Матнларда ўзбек миллий колоритини акс эттирадиган, урф-одатларни ифодалаган сўзлар учрайди.

Шарқшунос А.Шиммель эса, асосан, Ислон олами, сўфий аёллар мавзуси билан шугулланган. Сўфий аёлларга бағишланган "Жонон менинг жонимда" асарини Й.Парда ўзбек тилига ўнгирган. Берлин Фрайе университети туркийшунослик институти ва Хумбольт университети Африка ва Осиё фахлари институтининг кафедралари ўқув дастурига ўзбек тили киритилган. Б.К.Хайнкеле, З.Клайнмхель, И.Балдауф сингари олимлар ўзбек тилидан сабоқ беришади. Уларгача Д.Шульц, Г.Хазай ва Х.Новка дарс ўтишган.

Немис туркологларининг фидойи вакилларида бири профессор И.Балдауфнинг фаолияти серқирра. У "Шайтоннинг тангрига исёни" (Фитрат), "Чаён йили" (У. Назаров) асарлари, "Кафансиз кўмилганлар" (Шукрулло) хотира-қиссаси, А.Орипов, Э.Вохидов шеърларини немис тилига ўнгирган. Тадқиқотларида Бехбудий, Авлоний, Мунаввар қориларнинг ўзбек тили, миллати озодлиги йўлидаги жасоратлари алоҳида эътироф этилган. Бу немис олимнинг буюк инсонларни берган ўзбек халқига, маданиятига юксак меҳр-мухаббатни ифодасидир. Унинг жадид адабиётга бағишланган асарлари Олмонда шухрат топди. "Ҳақиқат излаб...", "Бехбудий Фаластинда" каби тадқиқотларида ҳам жадид адабиётга эҳтиромни яққол сезилиб туради. Олима ишломшунослик, тилшунослик, фольклор йўналишларида изчил изланишлар олиб боради. Унинг илмий-ижодий фаолиятини кузатганда бадийлик, лиризмдан кўра адабиёт ва тил муаммоларини муҳит, тарих, ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлар билан боғлаб ёритишга мойиллик кучлилигига гувоҳ бўламиз.

Мустақиллик йилларида ўзбек-немис адабий алоқаларида туб ўзгаришлар ўз берди. Рур театри ва Бремен ракс театри гастроллари уюштирилди. Миллий Академик драма театри "Донишманд Натан" драматини сахналаштирди. Бу асар марказида толерантлик гоёси туради. Спектакл Бухоро, Хива, Фарғона, Марғилон шаҳарларида намойиш этилди. Бундай маданий, адабий алоқалар кейинги



АЛОҚАЛАР МАРЖИДА

даврдан ҳам изчил давом этиб келаётди. Шу ўринда атоқли шоиримиз Э.Вохидовнинг куйидаги даъватини эслаш ўринли: "Гёте Шарқ адабиётини севган, Шарққа муножаат қилган. Нима учун бугун биз ана шу анъанани давом қилдирмаслигимиз керак?...". Дарҳақиқат, истиқлол тугайли ижодкорларимиз, илм аҳли дунёга чиқиш имконига эга бўлдилар. Жумладан, 1995 йили Берлинда ўтган Ўзбекистон —

Халқаро анжуман олдида

Германия маданият кунларида қатнашдим. Тадбир доирасида "Ўзбек шоирлари ва ўзбек шеъриятида аёллар образи" мавзусида маъруза қилган З.Клайнмхель ўзбек шоирлари О.Матжон, Х.Худойбердиева, У.Отаева ижодида мисоллар келтириб, шеъриятимиздаги ютуқларни эътироф этди. Хусусан, у Омон Матжоннинг "Аҳмад Яссавийнинг макбараси" пойида ерга юмаланаётган зиёратчи аёлларни кўриб...", бундан таъсирланиб ёзган:

Юмалан опажон, юмалан синглим
Улуғ Яссавийнинг хоки пойида.
Кўрса эътиқоннинг боз тирилгани
Рухи юксалгайди ётган жойида — мисралари билан бошланганда шеърини алоҳида немис тилида кироат билан ўқиди. Шеър тугаб-туғамай залда жонланиш сезилди. Немислар ҳайрат ва ҳаяжон билан бизни саволларга кўмиб ташлади. Мен уларга шеър

фақат сўздан иборат эмас, унинг ботинига муаллифинг, миллатнинг руҳи, урф-одатлари сингиб кетишини, шу жиҳатларни ҳис қилгандагина шеърни тўла англаш мумкинлигини тушунтиришга уриндим ва ўзбек шоирининг шеърдаги ўзига хосликлар, миллийлик уларнинг диққатини тортганини англадим.

Дарвоқе, З.Клайнмхелнинг айнан шу шеърни танлаб ўқигани сабаби асарда миллий рух, миллий колоритнинг самимий ифодаланганида эди. Зеро, шеърдаги зиёрат чоғи менталитетимизга хос ҳаракат-ҳолатнинг тасвири немислар учун ғайриоддий, экзотик сахнадек таассурот қолдирган, уларни қизиқтириб қўйган эди. Айни пайтда бу шеърни немис тилида маромига етказиб ўқиган олиманинг ҳам маҳоратига тан бердик. Яна бир қизиқ ҳолат "қора хол" тимсоли билан боғлиқ, Маълумки, Шарқда "қора хол" тимсоли гўзаллик белгисидир. Бунга мумтоз Шарқ шеъриятидан исталганга мисоллар топса бўлади. Чунончи, Ҳофизнинг:

Агар кўнглимни шод этса ўшал Шерози жонони
Қора халига бахш эттум Самарқанд Бухорони — мисралари бунга ёрқин далил дейиш мумкин. Энди, немисларнинг бу борадаги қарашига келсак, улар "хол"ни "қора доғ" деб билишар ва имкон қадар бу доғни жароҳлик йўли билан бўлса-да йўқотиш керак, дейишаркан. Буни Гёте институтида профессор И.Балдауф билан бўлган мулоқотда билиб олганман. Қизиқ, Шарқда шоир жонон чехрасидаги "қора хол"га Самарқанд Бухорони ҳада этмоқчи бўлса-ю, Фарғонадан "қора доғ" сифатида қўтилишга уринилса.

Пародоксал фикр. Мабодо шарқона бу тимсолни немисчага "das Muttermal — родинка — хол" деб берилса, Ҳофизнинг гўзал жонони хунук — юзиди доғи бор аёлга айланб қолмайдими? Албатта, шундай тасаввур тўғилади. Худди шу нукталарда бадий таржуманинг масъулияти, таржимоннинг маҳорати ва салоҳияти бўй кўрсатиши лозим.

Германияда ҳазрат Навоийнинг 560 ва 575 йиллигига бағишланган Халқаро доирада илмий-назарий симпозиум ўтказилди. Анжуманга немис тили давлатлардан улуғ ўзбек шоирининг мухлислари, таржимонлари таширф буюрдилар, анжуман сарҳисоби сифатида "Мир Алишер Навоий" номли тўплам чоп этилди. Тўпламда немис туркологларининг Навоий ҳақидаги мақолалари берилган. 2016 йили бўлиб ўтган "Алишер Навоий ва унинг жаҳон адабиёти ва маданиятига қўшган ҳиссаси" мавзусидаги Берлин симпозиумида энг кучли хорижий давлатлар илм аҳли қаторида ўзбек олими Ш.Сирохиддиновнинг "Алишер Навоий ҳаётига қайта назар ёхуд юз йил тўзатилмаган хатолар" мавзусидаги маърузаси барча иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Бугунги кунга келиб адабий алоқаларимиз янги босқичга кўтарилмоқда. Бу ҳаракат ўзбек ва немис халқлари маънавий дунёси ва эстетик дидининг янада бойлишига, ижодда ҳам, илмда ҳам ўзаро таъсирланишга ёрдам беради.

Ровияжон АБДУЛЛАЕВА,
филология фанлари номзоди, доцент

Аргентиналик машҳур адиб Хулио Кортасар бир эссесиди:
"Мен ўз асарларимга нафақат одамларни, балки жониворларни ҳам қаҳрамон қилиб оланман. Бундай ҳолларда ё жониворлар тимсолида инсонни кўрганман, ё жонивор назари билан инсонга боққанман", деб ёзган эди.
Дарҳақиқат, Кортасар ўз устози деб билган, шахси ҳам, ижоди ҳам сирга бурканган америкалик адиб Эдгар Аллан Поинг "Оломон одами" ҳикоясидан аёнки, бир инсоннинг қалбини англай деб уни қадам-қадам кўзатиш бениҳоя қийин юмуш. Ундан қарий бир аср кейин яшаган италиялик машҳур адиб Луижи Пиранделло эса "От бўлиш бахти" ҳикоясида инсон руҳиятига қаровсиз қолган қари от тимсоли орқали хийла осон йўл топаган.

Кортасар бисотида қисса даражасидаги йирик ҳажмли ҳикоялар озмунча эмас. Аммо лотин америкалик салафлари орасида алоҳида эъзозлаган ватандоши Хорхе Луис Борхеснинг бутун бошли романга татигулик кичик ҳикояларига уйқаш мўъжаз битиклари ҳам талай. Энг қизиғи, жониворлар Кортасарнинг ана шундай ҳикоялари учун "кунда-шунда" тимсоллардир. Буни балки адибнинг узун ҳикояларида психологик, қисқа ҳикояларида фалсафий рух етакчилик қилиши билан изоҳлаб бўлар. Ахир, фалсафийлик ривоятнамо шаклга мойиллик сезишни ҳеч кимга сир эмас-ку! Ривоятнамо шаклга эса жониворлар тимсоли узукка кўз қўйгандек ярашиб тушади.

Кортасарнинг "Гувоҳлар" деган шундай бир ҳикояси қаҳрамони энг ҳақир жонивор — пашша эканига нима дейсиз? Келинг, ҳикоя фабуласини бир кўр ёдга олайлик: ахир, қафдескина ҳикоя баёни қанчалар вақтни оларди...

Воқеа Фотерингем хонимга қарашли пансион мижозларидан бири — муаллиф ҳатто исмини ҳам зикр этамаган оддийгина йигит тилидан ҳикоя қилинади. Пансионнинг торғина бир хонасига биқиниб олиб, буюк инглиз адиби Чарльз Диккенснинг машҳур "Оливер Твист"ни бош кўтармай мутолаа қилаётган бу йигит диққати бир дам қалғийди-ю, боши узра гўнғиллаб уяётган ушша пашшага кўзи тушади. Улардан иккитаси оёқларини пастга қаратиб, юзтубан учар, биттаси эса, ақсинча, оёқларини тепага қилиб, чалқанча парвоз этарди. Қаҳрамонимиз аввалига бу пашша тентак бўлса керак-ов, ё мияси лат еган чиқар,

деб таҳмин қилади. Бироқ зингил солиб қараса, тўрт мучаси соғ: теттик ва қувноқ. Унинг анов иккисидан фарқи бошқача учинишда, холос.

Бирдан йигитда бу ғалати ҳодисани обдон ўрганиб, илмий жамоатчиликка етказиш истаги пайдо бўлади. Чатоқ томони шуки, Фотерингем хонимнинг айтишича, пашша зоти ўн-ўн беш кундан ортиқ яшамас эмиш. Хашароти тушмагур ҳозиргача умрининг бир қисmini яшаб қўйган бўлса-чи? Демак, ҳар лаҳзани ганимат билмоқ, тажрибага шитоб киришмоқ лозим. Бир қарорга келган қаҳрамонимиз антика пашшани шерикларидан ажратиб, синчиклаб ўрганишга шўнғиб кетади. Яқин масофада туриб тажриба ўтказиш ва шу йўл билан илмий маълумотлар йиғиш учун картондан турли катталиқда қутилар ясайдики, бу қутилар русларнинг "матрёшка" деб аталувчи ўйинчоғи каби бир-бирининг ичига осонгина жойлаша олади. "Тадқиқотчи"миз шу тарика пашшани аста-секинлик билан энг катта қутидан энг кичик қутига ҳайдаб киритади. Энди хашаротни бир қарч ердан туриб қузатса бўлар, унинг ҳар бир ҳаракатини кундаликка муҳрлаш мумкин эди.

Бу жараёнда йигитни пашша ҳар дақиқада ўлиб қолиши мумкин, деган фикр ақлдан оздиреъади. Демак, унинг кашфиётини тасдиқловчи бирор ишончли гувоҳ керак, бу гувоҳ эса дўсти Полан-коддан бўлак яна ким бўлиши мумкин? Шуниси қизиқки, у шамолдек беқўним Поланконни аранг топиб, хонасига суд-

раганида дўсти турган жойидан бир қадам ҳам жиймайди. "Бу ишингдан наф йўқ, оғайни, — дейди у насихатомуз оҳангда. — Ҳикоянгни тинглаб, келган хулосам шу: чаппа уяётган, аслида, сеннинг пашшанг эмас, бошқа пашшалар. Аввалига бари оёқларини тепага қилиб, чалқанча парвоз этган. Сўнгра эса оёқларини пастга қилиб, юзтубан учига ўтишган. Ёлғиз сенинг пашшанг аслига содиқ қолган. Энди айт-чи, мана шу ҳақиқатни исботлаб бўладими ўзи? Кел, яхшии хонангни картон қутилардан тозалашга қарайиб юборай. Йўқса, сени пансиондан қувиб солишлари тур-

ган гап. Хўш, нима дединг?" Кортасар ўз қаҳрамонини шу саволга ҳайрон жавоб излаётган бир алфозда тарк этади.

Кортасар "Гувоҳлар" ҳикоясида бугунги постиндустриал дунёнинг абсурд муҳитида ёлғизланиб қолган инсон фожиясини кинога қоришқ, дард билан кўтариб чиқди, десак хато бўлмас. Аммо шу хулосанинг ўзи билангина қиёфаланиб қўя қолиш ҳам нодуруст. Шундай қилсак, айни гоёни янада бойитувчи не-не фикрлар ҳикоя қатларига қўйилганча қолаверади. Демак, муаллиф ўқувчини постмодернча ўйинга тортиш махали сир пардасига ўраган баъзи тафсилларга очкич излаймиз.

Бунинг учун, аввало, Кортасар услубининг икки муҳим жиҳати — фантастиклик ва интеллектуаллик диққатни қаратмоқ лозим. Кортасар фантастиклик деганда одатдан ташқари, ақлга сиғмас ҳар қандай ҳодисани назарда тутайди. Ҳикояда йигитнинг кўзи, икки ҳамроҳидан фарқли ўлароқ, оёқларини тепага қилиб, чалқанча уяётган пашшага тушиши билан энди воқеалик фантастик тус олади. Шундан кейинги барча воқеалар ҳам ана шу мантиқ илгига тизилган. Муаллиф ўз бадий ниятига мос тимсол қидириб, неча айнан пашшада тўхталди, деган савол қўйилганда эса интеллектуаллик юзга-га қалқийди. Кортасар бу ўринда ўқувчини кишилиқ жамиятининг қадимий

Жаҳон адабиёти тажрибаси

дунёқараш — мифология билан имти-хон қилади гўё. Зеро, мифик тасаввурларга кўра, жимит ва ирқит хашарот — пашша тубан дунё кучларининг мужжасам тимсолдир. Шу тимсолнинг асо-тирий маъно қатламларига етаклаш асносида Кортасар ўқувчини бугунги глобал маънавий таназзулдан баҳс очмоққа қорлайди.

Йигит буюк инглиз адиби Чарльз Диккенснинг машҳур "Оливер Твист"и-

ни мутолаа этаётган, олчқ Сайкс мазлума Ненсини ўлдирмоққа шайланган 231-бетга етган бир пайтда анов пашшага кўзи тушиши-чи, бунда қандай интеллектуал ишора бор? Чарльз Диккенс бутун умр бўйи бир эътиқолда со-бит турган: у инсонда ҳар қачон маъна-вий қайта тугилиш имкони бор, деб қатъий ишонган. Бўзгича тубанликка ботган палид кимса ҳам бир кун шу ботқоқдан қийшга қодир, деб ҳисоб-лаган у. Адибнинг энг сара асари "Оливер Твист" ҳам ана шу эътиқод рунжла-ри устида барпо бўлган. Хуллас, Кор-тасар Диккенс гуманизмига ишора ор-қали постмодернча эклектикага таяниб, икки ўзаро зид ҳодиса — тушкунлик ва ҳаётбахшликни бир-бирига пайванд-лайди. 231-бетдаги таъкидда эса қадимги юнон файласуфи Пифагорнинг рақамлар назариясига ишора бор. Пи-фагорчилар дастлабки тўртта сонга, ай-никса, хосиятли деб қарашган. Шу тўрт соннинг кетма-кет бирикуви, яъни 1+2+3+4 дан 10 ҳосил бўладики, бу рақам Коинотнинг ҳам моддий, ҳам маънавий ахлиятлиги, бирлигини ифода-лайди. Шу тўрт соннинг кетма-кет би-рикувида, айниса, 4 нинг мавқеи юқори, дейди Пифагор. Чунки бу сон мохиятан интеллектуал бўлиб, у тартиб-ни юзгага келтиради. Бироқ "Оливер Твист"нинг 231-бети билан боғлиқ таф-силда ҳалқа 4 га етганда узилиб қола-ди. Бундан эса бугунги постиндустри-

ал дунё ақлга мувофиқликдан, демак-ки, тартиб-уйғунликдан мосуво, деган хулоса яшаш мумкин. Ўқоридаги уч ра-қам орасида 2 нинг олдинги сафга чиқ-қани ҳам яна бир салбий аломат. Зеро, пифагорчилар 2 га зиддиятлар манбаи деб қараган. У тенгсизлик, беқарорлик, зўравонлик рамзидир.

Айни жумбоқларга жавоб топан за-ҳотимизок биз яна талай саволлар қур-шовида қоламиз. Нега антика пашша-



ни Фотерингем хоним пансионининг шу кўноғина пайқайди? Хўш, нега энди бошқа биров эмас? Шу ўринда Полан-конинг ҳикоя сўнгидаги аччиқ эътиро-фини яна бир бор ёдга олмоққа эҳти-ёж бор. Аввал ҳамма пашшалар ҳам ча-лқанча, яъни кўзини осмонга қадаб парвоз қилган. Кейин эса юзтубан, кўзини ерга қадаб ўчишга ўтган. Са-мовий орузлардан курсоқ қайғуси қадар тубанлашган одамдод тақдир-ини худди ўзгинаси эмасми бу?! Би-нобарин, кўзи мудом ерга қадалган мардум бошлар узра қанот қокдан паш-шани қайдан ҳам кўрсин! Қаҳрамони-мизнинг эса бундайлардан фарқи шуки, у Ер юзига илк қадам босган Одам Ато каби атроф-төваракка каш-фиётчи назари билан боқади.

ХАЁТИСЕВАР ИЖОДКОР



*Нурона тоғлари бағрида қалъасидек ёниб қўйилган бахти
Раҳматулла Юсуф ўзининг: "Қўнғил — нур туғилган,
унинг соғлини шу туғилган нисбатан дўшайди. Нини очон
бўлса, туғилган унинг-ёқани, бағри ёқани, нур олади. Алҳина
бўлса, қаро ерда йўлнинг, соғ-тамоч бўлади. Ёдда туғил,
қўнғилни тоза тутмасан, нини синган нур туғилган
фарқини йўқ: унинг-ёқанисан, қаро тоғманисан", деган
сўзлари бот-бот ёдимга келади. Шонф ба журналист
Темур Убайдулло покза қўнғил соғиб бўлган
туғилган унинг-ёқани, қаро тоғман хайтсеваф ижодкорини.*

Умр ибрати

инсонларнинг жозиб қалб манзаралари қизил-ган. Шунингдек, ҳижрон мавзусида битилган шеърлар ҳам анчагина:

**Тақдирнинг зарбидан маҳзун навоман,
Василам, василдан бевакъ худман...
Саҳар сабоқлардан сўрайман сени,
Эй ёр, қаерласан деган садоман.**

Армонга қоришқ ҳажрнинг бу дардчил ифо-даси фоний дунё бебақолигига ишорадек гўё... Қайд этиш жоизки, Темур Убайдулло наинки назм, балки насрда ҳам дурустгина ижод қил-моқда. Унинг 2014 йили чоп этилган "Пастлаб учган турналар" тўпламига жамланган ҳикоя-лар тилининг раволиги ва тасвирининг ҳаётли-лиги билан диққатга молик. Бунда Темур Убай-дуллонинг узок йиллар матбуотда ишлаб ор-тирган тажрибалари қўл келган, албатта. "Гул-хан" журнали, "Тонг юлдузи", "Тошкент окш-оми", "Ишонч", "Нуроний" газеталарида хизмат қилгандаги сон-саноксиз хизмат сафарлари уни қанчадан-қанча инсоний тақдирларга, қалб ке-чималарига рўбарў қилмаган, ахир!

Темур Убайдуллонинг ижодий фаолияти му-носиб баҳоланиб, у 1998 йилда Ўзбекистон Рес-публикасида хизмат кўрсатган журналист ун-вони соҳиб бўлди.

Қўтлуг ёшини қаршилаётган Темур Убайдул-лу бугун бир неча назимий ва насрий тўпламла-рини нашрга тайёрлаш билан банд. Шундай айём кунлари унга қарата "Хорманг, Темур ака!" деймиз.

Маматкул ЖўРАЕВ,
**филология фанлари доктори,
профессор**

Муҳиддин РАҲИМ

Зулхумор ОРИФЖОНОВА



Ният

Бугун ёмғир ёғди отажон,
Чиройлироқ бўлгандай шаҳар.
Булутларга яқиндан боқиб,
Сўзларимга бераман сайқал.

Узоқлардан кўринур қишлоқ,
Кўз олдимда нигоҳингиз ҳам.
Юрагимни хавотир босар,
Далангиз сув босмадимикан?

СЎЗЛАРИМГА БЕРАМАН САЙҚАЛ

Йўқолади барча шодликлар,
Ёмғирни севардим илгари.
Соябон кетади тойиниб,
Кўлимдан, орзулар сингари.

Тинмади томчилар ўйини,
Тўхтамас булутлар кўз ёши.
Далангиз бағрига бир кунни,
Мен олиб бораман кўёшни.

Деразам ортида

Кўёшнинг нигоҳи тушганда
баргларга,
О, ерининг юзлари ўхшайди
дардларга.

Тупроқнинг қўллари меҳнатдан
қаварган,
Ариқлар бўйига тераклар
қадалган.

Ёмғирлар ёғди, томчилар
куй чалар,

Толиққан, этаги ҳўл бўлган
кўчалар.

Деразам ортига боқаман —
куз ёнар,
Кўлимда қаламдан тўкилган
сўз ёнар.

Савол

Кўчаларда чироқлар ёниқ,
Аммо туннинг ваҳми хонамда.
Кўёшнинг соғинганимни,
Хатто айтолмадим онамга.

Ҳар кунгидек шовқинмас ҳаёт,
Чигирткалар қўйламас нега?
Йўллардаги ёруғ ёдлар,
Сохталикни эслатар менга.

Кўкка боқиб турибман ногоҳ,
Кўзларимда юлдузлар рақси.
Юрагимга қалаган олов,
Сенмасми?

Ёшлар овози

бормай қолади. Ўқувчи-китобхон ўша шовво-
нинг нари-бери ёзганларидан бошқасини ту-
шунишни истамайди, бунга қурби етмайди.

— Сиз айтётган воқеаларга адабий
жараёнда кўп дуч келамиз. Тахририяти-
мизга бир йилда уч-тўрт китобини чоп
ётган чаққон муаллифлар келишади:
“Китобимни тақриз қилдириб чиқаринг”,
“Китобдан икки-учта шеърни газетангиз-
да бостириг”, дейишади. Талабга жа-
воб берса хўп-хўп, аксариятини тахрир
билан ҳам эпаккага келтириб бўлмайди.
Тўғриси айтсангиз, “Мана китоб қилиб
чиқаришган-ку, китоб газетадан пеш-ку”
дея ақл ўргатишади. Аслида, китобнинг
босма воситалар орасида салмоғи
бўлак. Аммо унинг ичидаги асарларда
салмоқ бўлмаса-чи? Бугун нашриётлар
томонидан чоп этилаётган китобларнинг
ҳаммасини ҳам талабга жавоб беради,
деб айтолмаймиз-ку...

— Бу “чанг”ни гардоқмас елкаларга кўндир-
май қоқиб ташлаш учун дарҳол хусусий на-
шриётлар рўқач қилинади. Аслида ундаймас.
Хусусий нашриётлар пулни ўзи топади. Бош-
қалар ўйлаганидай, улар ошиб-тошиб кетган-
ни ҳам йўқ, амал-тақал фаолият юритади.
Уларда катта нусхада чоп этилиб, фойда кел-
тирадиган дарсликлар наشري йўқ. Аммо “дав-
лат нашриёти” деб атал-
миш муассасанинг иши
мушкул. Бундай нашриёт-
ларда давлат маблағи ни-
мага сарфланаётганини фақат раҳбариятнинг
виждонига ҳавола қилиб қўйиш ўта гўллик
бўларди. Бундай идораларда жамоатчилик на-
зоратидан ташқари ижодкорларнинг, Ёзувчи-
лар уюшмаси, Ўзбек тили, адабиёти ва фоль-
клори институтининг ўрни-нуфузини кучай-
тириш бугун ҳар қачонгидан кўра муҳимроқ.
Хусусий нашриётларга эса, банклар томони-
дан кредитлар ажратилиши, давлат буюртма-
лари ишониб топширилиши керак. Бир сўз би-
лан айтганда, соҳада ҳали рақобат майдони
йўқ, говлар эса кўп.

— Сўз ва амал бирлиги, ўйлайманки,
адабиётимизнинг равнақи учун хизмат
қилади.

— Яқинда америкалик ёзувчи, драматург
ва эссеанавис Торнтон Уайлдернинг машхур
“Авлиқ қирол Людовик кўприги” романининг
ўзбек тилидаги нашрига сўзбоши ёзишимга
тўғри келиб қолди. Гап шундаки, “XX аср
Америка адабиётининг 70та энг яхши рома-
ни” сирасига бу асар ҳам киритилган.
Рўйхатни кўздан кечирар экансиз, улар ора-
сида ўзбек китобхонларига яхши таниш
бўлган О. Генри, Жек Лондон, Фрэнсис Скотт
Фицджеральд, Жон Дос Пассос, Теодор
Драйзер, Эрнест Хемингуэй, Томас Вулф,

ЯКШАНБАГАЧА... УЧ КУН БОР

— Мавзудан четлашгандаймиз. Назари-
мизда, адабий жараёнда насрий асарлар-
га жиддий талаблар қўйилмаепти, муно-
сиб баҳолар берилмаепти.

— Алоҳида бир асар ҳақида гап кетадиган
бўлса, жиддий талабни ҳар бир ижодкор ўзи-
нинг принципларидан келиб чиқиб қўйиши
керак. Ажойиб бир асарни ўқиб чиқиб, китоб-
ни ёпганингизда муаллифни эсланг. Унинг
уйқусиз тунларини шарафланг, олган таассу-
ротингиз учун миннатдорлик билдиринг.
Ижодкорнинг қудрати шунда — у Сиздан ол-
ган оддий чўпни сеҳрли таёқкага айлантириб
беради. Бундай саховат ҳаммага насиб эта-
вермайди. Адабиётнинг сеҳри шунда. Бу ҳам
ҳаёт. Назокати ва нафосатига кўра юксалиб
боравериладиган ҳаёт.

Умуман олганда, адабий жараёнда адаби-
ётшунослик ва танқидчиликнинг бепарволиги
бошқа бир нохуш ҳодисани келтириб чиқара-
ди. Сохта асарлар “ҳақиқийман” деб даъво
қилади, нашриёт эгалари ўзи хоҳлаган қора-
ламани гумбуллатиб чоп этиб юборишавера-
ди — уларга сотилса бас. Мана шундай ҳо-
дидан адабиётшунослик ва танқидчилик хулоса
чиқариб, қани сабринг қайгача бораркин, би-
лганидан қолмай беҳуда чопавер-чи, қачон
холдан тояркансан, дегандек узокдан мўра-
лаб турганга ўхшайди.

— Ўша мўралаб турганлар дадил бўй
кўрсатиб, бўлди энди, пала-партиш
китобларни чоп этишни бас қилинг,
дейишадими?

— Агар улар шундай ўйлаб турган бўлса,
айтишар — яна билмадим, эҳтимол, ҳеч ким
кутмаган, ўйламаган, орзу-умидларимиз, ин-
тилишларимизга тўсиқ бўладиган ғовларни
аён этиб, бас, тахта-ўқловингни йиғиштир,
дер.

— Шунда ким нимани қандай ёзса ҳам
бўлаверар экан, деган нотўғри тушунчага
ҳам чек қўйиладими?

— “Ақли кўприк излагунча, ақлсиз дарё-
дан ўтиб бўлади”, дейишгани каби на адабий
қонун-қоидага, на маҳорат талабларига амал
қилишни ҳаёлига келтирмаганлар учун ҳар
қандай жиддий эътирозлар тўсиқ бўлмайди.
Улар барибир билганларидан қолмайди.
“Қиссадан ҳисса, — дейилади Эзоп масалла-
рининг бирида. — Қон билан кирган — жон
билан чиқади”. Масалнинг ўзини эсладингиз-
ми?

— Қандай эди?

— “Кунлардан бир кунни Олимп худолари
тирик мавжудотларнинг табиатини ўзгартариш
мумкин ёки мумкин эмаслиги устида торти-
шиб қилишибди.

— Ўзгартирса бўлади, — дебди Юпитер.

Аммо Венера бунга қарши чиқибди. Муам-
мони ҳал қилиш мақсадида Юпитер мушукни

ларнингдир китоблари чиқаётган, шеърла-
ри қўшиқ бўлаётгандир, аммо адабиётнинг
азалий ва абадий идеаллари, қадриятларининг
уларга қизиги йўқ. Китоблари дўжондан аши-
н тезлигида сотилиб кетадиган “шоир йигит”
бир кунни менга, биз биламиз ўзимизнинг ба-


— Аммо адабиёт учун, ёшлар учун
бор-да!

— Ҳа, яшанг, адабиёт учун бор. Аслида ада-
биёт ҳам кимнингдир чекига лоторея ўйинида
тушган ютук эмас. Умуман, ҳеч нарса биров-
нинг чекига тушган ютук бўлмаслиги керак.
Ўзининг объектив қонунлари асосида яшаши,
ривожланиши керак. Ҳаёт шу. Табиат ҳам шу.
Аммо “шоир йигит”нинг эҳтимол ўзи учун би-
ровга зиён-заҳмат етмай, ўзи китоб чиқариб,
ўзи сотиб, куйини ўзи басталаб, ашуласини
ўзи айтиб... деганларидай, юрган йўлида дид-
ни тўмтоқлаштиришга, адабиётни идрок этиш
ҳиссиётини йўқотишга ўзи билиб-билмай
ҳисса қўшганича шитоб олга босиши оқба-
тида ўқувчи-китобхон ҳақиқий ижод намунаси
бироқ саёз, нурсиз қораламининг фарқига

— Давлатимиз раҳбари миллий адаби-
ётимиз олдида қўётган талаблар, ижо-
дорларга яратиб берилаётган шарт-

НАСРУЛЛО

ЮЗИНИ ШАБНАМЛАР ЮВИБ ЮРГАН ГҲЛ



Кўзингни ювасан кўзёшинг билан,
Чарақлаб кетади гўёки само.
Мен сени алдайман ишончим билан,
Ишонмай яшайман ўзимга аммо.

Кўзингни ювасан, гўёки қоғоз
Юзига кўзёшинг тўкилади дув.
Сен ёруғ юлдузга ўхшайсан биров,
Юзини шабнамлар ювиб юрган гүл.

Қисмат сени менга кўрдими раво,
Сен мени Худодан олдингми тилаб.
Нега қўлаётиб йиғлайсан ҳатто,
Ҳатто чимилдиққа кирасан йиғлаб.

Мен сени алдайман, ишончим толган,
Кўзингга термулиб туриб қақшайман.
Нафис кийрингига илиниб қолган
Шабнам ҳаётини қандоқ яшайман?!

Тунни тахрир этар сочларинг ҳиди
Атрофга атиргул бўйин таратиб.
Тонггача сий-сизёқ сочингни тараб,
Гулдай бармоқларинг кетар қабириб.

Тунни тахрир этар сочларинг ҳиди,
Тонггача бармоқлар гўзал шеър битар.
Осмону фалакка етиб ҳабари,
Тушларингга юлдуз тўкилиб кетар.

Тунни тахрир этар сочларинг ҳиди,
Сенсиз тун ҳам, қундуз ҳам ғариб.
Тонггача ухломдай чиқаман мен ҳам
Сочларингдан ўша тунни ахтариб.

Тунни тахрир этар сочларинг ҳиди...

шароит, китобхонликка, мутолаа мадани-
ятига эътибор ортида буюк адабиёт орзу-
си бўй кўрсатади.

— Ҳа, албатта. Йигирманчи аср бошида май-
донга чиққан футуризм яловбардори Филип-
по Томмазо Маринетти: қаршимиздан чиқиб
келаётган янги авлод бизни бир четга итқит-
масидан бурун ўз вазифамизни адо этайлик,
дегани каби ҳар бир авлод ўз вазифасини
сидқидилдан бажариши керак.

— Айрим ҳолларда сюжетлар, мавзулар
чет эл адаблари ёки ўзимизнинг кекса ав-
лод адаблари ижодидан тап тортмай кўчи-
риб олинмоқда, деган гапларни кўп эши-
таммиз...

— Илгари ҳам эшитармидингиз?

— Йўқ.

— Ҳа, тўғри. Илгари нашриётларда профес-
сионал, билимдон муҳаррирлар бундай ҳо-
дидларнинг олдини олишарди. Масалан, “Ми-
хаил Шолохов ёки Чингиз Айтматовга ҳавас
қилганингиз дуруст, аммо ўзингиз ҳис этган,
кўрган-билган нарсаларни ёзинг”, дейишар-
ди. Бундоқ қараганда, “Алкимёгар” сюжети ҳам
“Маснавий”дан олинган. Ўзи, умуман, дунё
адабиётида бармоқ билан санарли сюжетлар
ва сюжет йўналишлари, уларга ўхшатмалар ай-
ланиб юрганига гувоҳ бўласиз. Алишер Наво-
ий дostonларидаги сюжетлар ҳам шунча.

Аммо, дунё адабиётининг
нодир дурдоналарини ўқиб
“Э, аввал айтилган гаплар-
ни ёзган экан”, дея олмай-

сиз. Негаки, бундай дурдоналар муаллифла-
ри теран қарашлари, гоёлари бадиий ифода-
си учун қобилидан фойдаланишган, холос. Ба-
диий жиҳатдан юксак асардан нўноқларча
кўчирма олиш ўша асарга беписанд қараш-
дай гап.

— Долзарб мавзуларга қўл уриб, қоғоз
қоралаётган адабларимиз китобларида
учраётган ғализликлар-чи...

— Қай бири?

— Шунчалик кўпми?

— Уларнинг кўп-озлиги китобхоннинг дид-
савиясига, билимига, маданиятига қараб
белгиланади. Масалан, мен “ғичир-ғичир
тиш”га тегадиган қўшиқлардаги сатрларни
ҳарчанд уринганим билан ҳазм этолмайман.
Юқорида айтганингиздек, адабиётшунослик,
адабий танқидчилик бундай сатрларнинг
мазмун-моҳияти, поэтикаси таҳлилига
бағишланган мақолалари билан ўқувчи-ки-
тобхонга ёрдам бериши керак. Мирзо Бедил
мисралари замиридаги маънолар олами
халқимиз орасида урф бўлган “бедилхонлик”
кечаларида ойдинлашгани сингари замона-
вий шоирлар ижодига бағишланган адабий
мақолаларда, илмий ишларда, эшиттириш ва
кўрсатувларда ҳар бир сатрнинг мазмун-мо-
ҳиятини — шоирнинг маҳоратини очиб бе-
ришга эътибор қаратиш лозим. Насрий ва
драматик асарларга, телесериал ва бадиий
фильмларга нисбатан ҳам шундай иш тут-
моқ жоиз. “Сараги саракка...” деб бошлана-
диган нақлда айтилганидай, гуруччи курмак-
дан ажратиб олиш керак.

— Ижодкорнинг аъмоли нимада?

— Унинг ижодкор эканида. Масалан, деҳ-
қон — энг катта ижодкор. У ушққдай уруғни
ерга қадаб, мўл-кўл неъмат етиштиради. Сўз
ахли, шоир-ёзувчи аъмоли ҳам шундай.
У “офатларнинг талай хили, талай тийнати”га
(Евгений Евтушенко) ўзини бериб қўймасли-
ги орқали бўй кўрсатади.

— Қандай?

— Энг аввало, инсон сифатида, синмасдан.

— Нега бу муҳим?

— Сўз ахли ҳаммаша турфа босимлар ости-
да бўлади. Бундай таъқибнинг асосий қутқу-
лари ботиний тус олмаслиги керак.
— Шу ўринда суҳбатимизга яқун ясаас.
Мана, энди дам олиш кунинда режалаш-
тирган ишларингиз билан машғул бўли-
шингиз мумкин.

— Иншолло, яқшанбага ҳали яна уч кун
бор...

ХУМОЮН суҳбатлашди.

Шивалаб-шивалаб ёғди ёмғир,
мен эса кетаман ёлғиз ва яёв.
Шивалаб-шивалаб ёғди ёмғир,
кимдир йиғлай бошлар — менми ё биров?

Оёғимга чориқ тиккан қай косиб,
юрагимга қўшиқ тўккан, куй, баёт?
29 ёшимга эмас муносиб —
мен, ёмғир, ёлғизлик, шалаббо ҳаёт.

Шивалаб-шивалаб ёғди ёмғир,
ёмғир шевасими тақдир шеваси?
Шивалаб-шивалаб ёғди ёмғир,
қайга кетаялман ярим кечаси?

Сочлари солланиб йиғлайди бир қиз,
мен ҳам тўхтамайман, кетаман ҳамон.
Дунё мендан ўтиб кетмоқда бу кез,
худди сиз кетгандай мендан батамом.

Кетаялман. Елкамда йўқдир соябон.
Кетаялман. Ёмғирда усти бошим ҳўл.
Бу ёруғ дунёда сиздай меҳрибон,
онажон, топмадим бир меҳрибон қўл!

Кетаялман. Тўлғониб йиғламай, эй қиз,
керакмас пинҳона тутилган мотам.
Кетаялман. Дунёда яхши қолинг сиз —
мендан менга излаб топмаган одам!

Шивалаб-шивалаб ёғди ҳар кеч
ёмғир шевасими тақдир шеваси?
Мен сизсиз дунёни севоладим ҳеч,
сиз менсиз дунёни қандоқ сеvasиз?!

Таниқли адиб Шойим
Бўтаевнинг: якшанба кунни
гаплашсак, деганига қарамай
газета кутиб турмаслигини
рўқач қилиб, суҳбатга
ундадик. Мулоқотимиз
адабиёт, ҳаёт — ҳамма
биладигандек туюлган, аммо
сир-синоатларга бой
жараёнларнинг ҳар ким ўзича
идрок этадиган мавзулари
хусусида борди.



— Шойим ака, меҳнаткаш адибларимиз-
дан бирисиз...
— Эътироф этилсизми ёки мақтаилсизми?
— Унисиям, бунисиям.
— Раҳмат.

— Бугун кўлига умид билан қалам олиб,
юксак мақсадларни кўзлаб турган ёшлар-
га ижодкор масъулияти, заҳматли меҳна-
ти ҳақида нималар дея оласиз?

— Буни уларнинг ўзи ҳам яхши ҳис эта оли-
шига аминман. Менингча, ижодкор ҳис-туй-
уларида эзгулик, самимият ҳар доимгидек
етақчи ўринда бўлгани маъқул. Сурбетликдан
худо асрасин. “Юксак мақсадларни кўзлаб
турган ёшлар” ўрнига ўзингизни қўйсангиз, ён-
атрофингиздаги шиддатли оқаётган ҳаёт бил-
ан баҳамти қандай ўйларга борардингиз?
Вақт — буюк ҳакам. Аммо унинг буюклиги за-
мирида шафқатсизлиги ҳам борки, ундан сақ-
ланмоқ учун курашмоқ лозим бўлади. Акаде-
мик Наим Каримовнинг бир суҳбатида шун-
дай сўзларни ўқидим: “Биринчидан, адабиёт
оламига кириб келган янги авлод ўзбек ада-
биётининг Ғарб ва Шарқ халқлари адабиёти-
дан фарқли томонлари борлигини унутмасли-
гини, бу фарқли томонлар, аввало, адабиёт-
имизнинг миллийлигида, адабий тилимизнинг
бой ва гўзаллигида, адабий анъаналаримиз-
нинг давомийлигида эканини доимо ёдда ту-
тиши керак”. Иккинчидан ва учинчидан нима-
лар ҳақида ёзиш кераклиги ҳақида ўз мулоҳа-
засини билдирган ҳурматли домла ҳар бир
ижодкор ўз овози, ўз услуби, ўз мавзусига эга
бўлиши, ўзгалар соясига айланиб қолмасли-
гини уқтиради.

— Бугун яратилаётган асарларга адабий
танқидчилик бирор-бир жўяли фикр, ай-
тайлик, ҳеч бўлмаса маслаҳат тарзида му-
носабат билдирмаепти, дейиш мумкинми?

— Агар, ҳақиқатдан ҳам Сиз айтганча бўлса
(гарчи бу фикрга мен ўша қўшилмасам-да),
фақат адабий танқидчиликни айбдор дейиш
бирёклама фикр бўларди. Физик қонунлардан
хабарингиз бор, жисмлар бир-бирига нисба-
тан ҳаракатланади ва акс таъсир жараёни со-
дир бўлади.

Бугун адабиётшунослигимиз мумтоз ада-
биётга кўпроқ муурожаат қилмоқда. Тўқсон
тўққиз маънодан сўнг юзинчисига ҳам ишора
бериб турган сатрлар кимни мафтун этмайди
дейсиз?! Шарқ Уйғониш даврининг дунёни лол
қолдирган беқиёс шеърятини идрок этишни
қўя туриб, XIX аср охири — XX аср бошларида
халқ дардини айтган адиблар ижод уммони-
даги дуру гавҳарларга назар солиб кўринг-а.
Худди ҳозиргина ёзилгандек ёки ҳозир ёзи-
лиши орзу қилингандек.

Гарчи келса, эски тўн, биздек дуоғўйи фақир,
Камбағалнинг хирқасидан ор қилмоқ шунчалар —
каби сатрлар ўз ҳужрасида қўл учиди амал-
тақал кун кўришга мажбур ва муҳим бўлган
Муҳимийни тасаввурингизда жонлантурса,

Назокат ортурай десанг, мисали гунча хамуш бўл,
Надипкам оғзини то очди гўл, барги хазон бўлди —
деган сеърмазун, барча замоналарга мос бе-
баҳо сўзлар завқидан Завқийни ёдга оласиз.
Ёки Фурқатнинг:

Бир кўриб чоҳи зақан Хорут ила Морут иков,
Чоҳи Бобил ичра қолмишлар бўлак тадбирда —
байти мағзини қаҳиш учун ҳам анча-мунча
диний-мифологик билимга эга бўлиш лозим.
Жонқуярлиги, халққа яқинлигидан ташқари

Бошланиши биринчи саҳифада.

Мен худди шу хусусида бир-икки сўз айтмоқчиман. Амир Темурнинг мавжудлиги шундан далолат берадики, бу ҳаёт ўз қаърида айрим инсонларга хос буюк қудратларни яширин сақлар экан. Айниқса, ўша инсонлар тарихнинг гилдирагини силжитиб, қисматларнинг ўзгаришига боис бўлғуси улуг воқеаларга, жумладан, ҳам сиёсий, ҳам маданий ўзгаришларга сабаб бўлса!

Гўёки ўтмишнинг куч-қудрати ўзгариб, бугунги кунга ўтаркан, ўтганда ҳам руҳий ва жисмоний қудрат бўлиб ўтар экан. Бу ҳол шундай замонда содир бўларканки, агар янги авлод шундай куч ва қудратга муҳтожлик сезса, ҳаёт тарзининг миллий ва башарий поғоналарга чиқишига эҳтиёж сезса! Шу ўринда яна таъкидламоқ лозим ва Темурнинг руҳи шундан далолат берадики, ўшандай куч-қудратга беҳтиёр эҳтиёж туғилган эди. Айни шу эҳтиёжнинг ўзи Амир Темур меросининг ҳаётдаги ўрнини белгилайди.

Хуллас, Турон минтақасидаги бу табаррук сана – Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги ҳаммамизнинг тилимизда: Темур бобомиз дунёвий аънанга кўра – гоҳ Темурланг, гоҳ оқсоқ Темур деб аталган; аммо барча юртларда, хусусан, миллий мустақилликка етишган Марказий Осиё мамлакатларида Улуғ Темур – Буюк Темур деб тилга олинаётир.

Худди шу нуктада Темур давридаги тараққиётнинг — ренессанснинг моҳияти намён бўлаётир, айниқса, замонавий Ўзбекистон — Туркистонда; бу тўғрида бутун дунё мамуният билан сўзламоқда, иқдор бўлмоқда.

Биз ўзбек қардошларимизга айна мана шу борада ўз миннатдорлигимизни жами туркийзабонлар номидан билдиришмоқчимиз. Илло, миллий қаҳрамонга бу қадар иззат-икром, миллий қаҳрамон билан бу қадар фахрлишнинг ҳалигача кўрмаган эдик.

Ўзбек халқининг “темуршунос-лик”да намён бўлган ватанпарварлиги нафақат замонавий миллий ўз-ўзини англашда кўринаётир, балки турк дунёсининг

бу йўригдаги иқдорини ҳам аён қилаётирки, бунда энг зўр инсоний этиқодлар биздан дунёга балкиб чиқаётир! Бизнинг энг муҳим қадриятимиз, байроғимиз, рамзимиз ҳам шудир...

Холис фикр юритганда, Амир Темур мозийда қандай бўлган бўлса, шу ҳолда қолиб келаяпти. Аммо дадил айтиш мумкинки, у туташмайдиган нуқталарни ўзида туташтирган, яъни миллий қаҳрамон бўлиши билан бирга миллиятнинг донишманди ҳам экан! Ҳар икки ҳолда ҳам Амир Темур улкан идрок соҳиби — ўз замонасининг барча илмларидан бохабар зот бўлган экан!

У буюк давлат арбобига хос тадбиркорлики ҳам, ҳарбий тафаккурни ҳам, олдинки кўра олиш иқтидорини ҳам,

юзига чиқаргани ҳақида ифтихор ила сўзламак лозим.

Мана, ўшандан буён неча асрлар ўтди. Бугунги кунга келиб, Амир Темурнинг даврини қайтадан кашф этаётирмиз, ўй-хаёлларимиз уфқида у маёқ бўлиб порлаётир, ҳар бир эл-элат ўз қисмати тонгида унинг қуёшдек сиймосини кўраётир. Илло, қаршимизда буюк тарихий қудрат намёнёрки, унинг Марказий Осиё давлатлари учун долзарб қудрат-эҳтиёж экани кундай равшан. Ахир шу “афсонавий” шахснинг сый-ҳаракати, лозим бўлганда, мажбур этиши оқибатида биз Туркистон халқлари асрий қолоқлик ботқоғидан қутулдик, ўз ривожимиз учун маданий тараққиёт йўлига кирдик. Ҳа, Амир Темурнинг афсонавий қудратига тан

Амир Темурнинг хусусан тил муаммосига муносабати, унга нечоғлик ижодий ёндашганини ҳам алоҳида қайд этишни истардим. Маълумки, ҳар бир тил ўзига хос — ўз эгаси учун қадри ва инсониятнинг тансиқ бойлигидир, айна чоғда ҳар бирининг ўз қисмати, ўз тақдири бор.

Амир Темур даврида араб ва форс тили билан бир қаторда бизнинг туркий тиллар ҳам майдонга чиқди, гарчи девонда — киборлар даврасида араб ва форс тили муомала воситаси бўлиб қолган эса-да, Амир Темур авлодларининг беҳад чуқур миннатдорлигини яна шунда хис қиламизки, у жамият ҳаётида, илм ва санъатда туркий тилларнинг мавқеини кўтарди.

Қисқаси, бизнинг бугунги байроқларимиздан бири — давлат тилларимиз — буюк ҳомий, буюк тилшунс Темур бобонинг сый-ҳаракати маҳсулидир, унинг миллий қадриятларни нақадар устун тутиши, дунёвий фикрлашининг натижасидир. Ҳа, бу жараён Темур даврида

бошланган эди. Бизнинг ўзига хос инсонлигимиз далолати бўлмиш тилларимиз учун шунчалар қайғургани учун Амир Темурга бот-бот таъзим қиламан. Шу билан бирга Амир Темурнинг бошқа тилларга, жумладан, ўша араб ва форс тилларига ҳам бир кўз билан қараганига тан бермасдан илож йўқ.

Инсоният истиқбол белгиларини кўрмак учун ўтмишга назар ташлайди. Бугун ҳам халқларимиз тарихида йўқотган кўп қадриятларни инкишоф этаётирмиз, жумладан, буюк Амир Темур фаолиятини қайтадан кашф этдикки, бу ҳол оламни хайратга соляпти. Бу — тарихнинг тақозоси эди. Темурни қайта кашф этиш — маёқни ёқиш, янги бир муқаддас санага қадм қўйиш, янги бир йўлга тушиш экан! Раҳмат, ўзбек оғайнилар. Раҳмат, Амир Темурга кўз солиб, журак ўтин берганилар учун!

Энди, шахрингиздан олган таассуротим ҳақида бир калима гап айтишга рухсат беринг: Тошкент — тобора дунёвий бир шаҳар тусини олиб бораётир. Шу маънода эски мақолни ўзгартириб айтгим келади: менга ўз шахрингичи кўрсат, мен сенга кимлигини айтиб бераман.

“МУНОЖОТ”ГА МУРОЖААТ

Ўзбек миллий ракс санъати тарихида халқимиз этиборини қозongan мумтов ва замонавий рақсларимиз оз эмас. Ана шундай рақсвр орасида

“Муножот”нинг алоҳида ўрни бор. Ушбу рақснинг дунёга келиши ҳақида бир қанча афсона ва ривоятлар мавжуд. Шулардан бирида айтилишича, қадим замоналарда бир подшоҳнинг хусни латофатда тенги йўқ қиз бўлган экан. Отаси қизини тезроқ турмушга бериб, қизни очиклигида бахтини қўришни, салтанатни ишончли одамга топшириб кетишни истаркан.



Турли мамлакатлар шахзодаларидан совчилар кела бошлабди. Қиз барчасига рад жавобини берибди. Отаси қизининг бахтини кўрмоқчи эканини айтиб, унга уч кун ичида жавобини айтишни тайинлабди. Қиз эса аслида илоҳиятдан севги-га мутолаб қилиб яратилганди. Мухлатнинг иккинчи куниди қизнинг юраги дабду-рустан тўқилганиб, қандайдир куч уни кўчага чиқишга ундабди. Лекин ўша замонда қизларнинг, айниқса, шох қизларининг кўчага чиқиши ор ҳисобланган. Шу сабаб қиз кўчага дераздан қарашни маъқул топибди. Охишта қадамлар билан дераза ёнига бораркан, юраги жунбушга кела бошлабди. Дераза пардасини суриб, ташқарига назар ташлабди ва шу заҳоти ақлу ҳушини йўқотиб, ўзидан кетиб қолибди. Отаси қизининг аҳолидан хавотирланиб, табиб чақиртирибди. Табиб қиз азалдан ишққа мутолаб бўлганини ва дардига даво бўлган ишққа тўқнаш келганини айтибди. Шох бу ишқ соҳиби ким эканини топишга фармон берибди. Қиз ҳушига келиб, куннинг асосий қисмини дераза ёнида ишқнинг султонини кутиш билан ўтказибди. У йигит эса ҳар кун кечга томон бу ердан қўйларини

Бир рақс тарихи

ҳайдаб ўтаркан. Келишган бу барно йигит оддий чўпон экан. Маликанинг кўчага тикилиб бундай аҳолига тушганидан хавотирланган шох кўчадан ҳеч ким ўтмасин деб фармон берибди ва қиздан бундай ҳолатга тушишининг сабабини сўрабди. Қиз уч кун ичида отасига жавобини айтиши керак эди. Табибнинг гапларидан сўнг, вазиятни тўғри тушунган шох қизига турмушга чиқиш ҳақида оғиз очмабди. Унинг ўзи гап очишини кутибди. Қизнинг кўнлари ғам-андух, азоб-да ўтибди. Бир кун у бор кучини йиғиб, Яратганга илтижо қилибди. Қизнинг пинҳона севгиси шу тарзда халққа маълум бўлган экан. Вақт ўтиши билан ушбу севи тарихи асосида қуйлар яралган, қўшиқлар қуйланган, рақслар дунёга келган дейишади. Йиллар ўтиб бу рақс ҳар бир ижрочи талқинида ўзгача тарзда намойиш этилган. Санъатшунос оlima Л.Авдеевнинг “Ўзбек миллий рақси тарихидан” китобида “Муножот” рақси қадимда малакали ижрочилар дастуридан мустаҳкам ўрин олгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Ҳозир биз севиб томоша қиладиган “Муножот” рақсини ўзбек рақси маликаси Мукаррама Турғунбоева 1963 йили сахналаштирган. Кейинчалик ушбу рақсини Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашева маҳорат билан ижро этди. Шунингдек, бугун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Феруза Азатова ҳамда “Нихол” мукофоти совриндори Сехриё Мирзаева ва бошқаларнинг репертуарларини беэза туртибди. Бу рақс ҳақида Феруза Азатова шундай дейди:

— Мен учун “Муножот” ўзбек миллий рақсларининг энг қийинидан бири. Чунки унда биринчи ўринда ижрочининг юраги, айнан шу рақс образига қира олиши, маҳорати, оловли кўзлари туради. “Муножот”да ҳаракатлар уналич кўпмас, образ асосан кўз орқали томошабинга етказилади. Мен “Муножот”ни эмас, шу куй мени танлаган, шекилли. Коллежда ўқиб юрган пайтимда, ўзбек миллий рақсидан устозим Насиба опа Мадрахимова менга шу рақс ижросини раво кўрганлар. Мукаррама Турғунбоева номидаги танловда ушбу рақс билан чиққанман. Аслида “Тановар” рақсини ижро этишни хоҳлагандим. Бир нарсани айтиб ўтишим керакики, “Муножот”, “Тановар”дек рақсларни ҳамма ҳам ижро этолмайди. Айниқса, “Муножот”ни ҳаёт тажрибасига эга раққоса ижро этиши керак, деб ўйлайман.

Бундай миллий рақсларимиз асрлар ўтса-да, назокатини, нафосатини, миллий руҳини йўқотмай, янги авлод раққосалари репертуаридан ўрин олиб бераверишига тилакдошимиз.

Равшан ХУРРАМОВ,

Миллий рақс ва хореография олий мактаби талабаси

АЛЛОМАЛАР САРВАРИ ЭДИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шу йил 20 июль куни Улуғбек шаҳарчасидаги Ядро физикаси институтига Фанлар академияси ва илмий-тадқиқот институтлари вакиллари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан учрашувда фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни мустаҳкамлаш, иқтисодиётни барқарорлаштириш учун илм-фанда халқимиз манфаатига хизмат қиладиган ўз йўлимизни топишимиз зарурлиги, ҳар бир илмий тадқиқотнинг харидори олдиндан аниқ бўладиган тизим яратиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади. Эндиликда ёшларнинг миллий ва жаҳон илм-фан ютуқларини ўрганишга интилишини рағбатлантириш, уларнинг фундаментал фан

Менда таклиф бор

асосларини пухта эгаллаши учун шарт-шароит яратиш мақсадида ихтисослашган мактаблар ташкил этилаётгани бу борада илм-фанимиз тараққиётида рўй берган узоқлиқларнинг ўрнини тўлдиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Албатта, бу борада яқин ўтмишда ўзбек илм-фани довруғини дунёга таратган Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Мўминов, Саъди Сирождидинов, Иброҳим Ҳамробоев каби буюк олимларнинг илмий мактаблари тажрибасини ўрганишда ҳам ҳикмат кўп.

Ўзбекистон ва собиқ иттифокда металлгенция (фойдали қазилмаларга оид металлунослик) илмий мактабини яратган етук аллома Ҳабиб Мухамедович Абдуллаев (1912-1962) жаҳон миқёсида эътироф этилган буюк истеъдод соҳиби эди. Ўз даврида Ҳабиб Мухамедович таркибиди металл мавжуд бўлган конларни тадқиқ этиш борасида катта кашфиётларни амалга оширган, собиқ шўролар даврининг энг юксак мукофотларига муносиб кўрилган эди. Бундан ташқари, Ҳабиб Абдуллаев Франция Геология ҳамда Буюк Британия Минералогия жамиятлари аъзоси бўлган, Франция, Буюк Британия, Хиндистон, Хитой ва Чехословакияда ўтган кўпгина халқаро конгресс ва симпозиумларда илмий маърузалар билан иштирок этган.

180 дан ортқ илмий тадқиқоти, шу жумладан, саккизта илмий монографияси чоп этилиб, асарлари немис, инглиз ва хитой тилларига таржима қилинган. Этита докторлик, 28 та номзодлик ишига раҳбарлик қилган. Кейинчалик бу олимларнинг тўққиз нафари фан доктори ва биттаси академик унвонларига сазовор бўлган.


Мустақиллик йилларида Ҳабиб Мухамедовичнинг халқимиз ва жаҳон илм-фани тараққиётидаги серқирра илмий фаолияти муносиб баҳрланган. Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг 2002 йил 23 августдаги фармонида биноан “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланган эди. 2001 йил сентябрь ойидан бошлаб, Юнусободдаги метро бекати Ҳабиб Абдуллаев номи билан аталган эди. Бироқ негадир Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 16 июндаги қарори билан мазкур бекат номи ўзгартирилиб, “Шахристон” деб атала бошлагани кўпчиликда ҳанузгача тушунмовчилик туғдириб келмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни арафасида пойтахтимиздаги айрим майдонлар номи қайта тиклангани, хусусан, “Халқлар дўстлиги” майдони ва шу жойдаги метро бекатига аввалги номи қайтарилгани, тошкентлик темирчи уста Шоаҳмад Шомамудовлар оиласи жасорати улуғланган ёдгорлик монументи ҳамда биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов ҳайкали ҳам аввалги жойига қайтадан ўрнатилгани юртдошларимизни гоётада мамнун этаётир.

Шу муносабат билан буюк аллома номи билан аталган “Ҳабиб Абдуллаев” метро бекатининг асл номини тиклаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

М.АБДУЛЛАЕВ

Газетхон илҳоми



ШҲРҲЛИКЛАР

Жиловни тутмасанг кўнгил, ихтиёр
Билмас на чегара, надир ҳулқ-атвор.
Бироқ эркисизлик ҳам юракни эзар,
Эй одам, шу сабаб яралган меъёр!

Чанг босган япроқда йўқдир, ихтиёр,
Ёмғир юварми деб, у абрга зор.
Гул юзидан чангини ювгандай ёмғир,
Яхшилик қил, кетсин оламдан губор.


Қулижан БОБОЖОНОВ

Бекобод

РАНГЛАР ЖОЗИБАСИ

Кўргазмадан ўрин олган асарлар билан танишарканмиз, А.Исаев ўзбек рангтавири санъатида ўзига хос йўлини топишга


Кўргазма залларида



Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон маданияти тарихи музейида таниқли рассом Аслиддин Исаевнинг “Рангларда нур ва жозиба” деб номланган шахсий кўргазмаси очилди. Кўп йиллик ижодий изланишлар сарҳисобига айланган ушбу тадбирда мусаввирнинг юзга яқин ишлари намойиш этилди.



эришганига гувоҳ бўламиз. Рассом ўтган асрнинг етмишинчи йилларидан буён кўргазмаларда фаол иштирок этиб келади. Ижодининг дастлабки босқичида яратган “Йул”, “Менинг ҳовлим”, “Тўй”, “Қовун бозори”, “Болалик”, “Қутилмаган ёғду”, “Тўлин ой кечаси”, “Тонг” каби асарларида қадим Самарқанд манзаралари, қишлоқ ҳаёти, табиат кўринишлари турфа ранглар уйғунлигида акс эттирилган. Рассомнинг мустақиллик йилларида яратилган картиналарида ёрқин колорит устуворлик қилади. Айни пайтда уларда миллий маданиятимиз билан боғлиқ фалсафий ва поэтик қарашларга ҳам кенг ўрин берилган. “Болакай”, “Бозор”, “Ҳазрати Ҳизр”, “Менинг тушларим”, “Донишманд” сингари картиналарида рассом рамзий маънога эга ранг ва шакллардан маҳорат билан фойдаланган.



Томошабинлар кўргазма мисолида бой тарихга эга Самарқанд рассомлик мактабининг аънаналари билан ҳам танишиш имконига эга бўлишиди. Шарқона руҳга йўғрилган картиналар санъат ихлосмандларини, айниқса, ёш мўйлакам соҳибларини бефарқ қолдирмаслиги аниқ.

Муҳаррам РИЗАЕВА

Аждодларимиз қолдирган бой маданий мероснинг салмоқли қисми Ер юзининг турли кутубхона ва музейларида ноёб битик ва осори атиқалар сифатида сақланаётгани сир эмас. Яқин-яқингача қалбимизни “Нега улар юртимиздан четга чиқиб кетган? Бу бойликлар адади қанча? Уларни Ватанга қайтариш имкони борми?” деган саволлар қўйиб келар эди. **Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори** ушбу долзарб муаммо ечими учун зарур барча шарт-шароитларни яратди.

Марказни ташкил этишдан мақсад – биринчидан, дунёнинг илмий-маданий муассасаларида сақланаётган Ўзбекистонга оид ноёб дурдоналарнинг ягона рўйхатини шакллантириш; иккинчидан, тарихий экспонатларнинг асл ёки кўчирма нусхаларини, фото ва видеотасвирларини юртимизга олиб келиб, тадқиқ этиш орқали халқимиз, жумладан, ёшларимизни бу хазинадан баҳраманд этишдир.

ҳамкорлик ўрнатиш муҳим аҳамиятга молик, деб қаралмоқда. Бундан ташқари, музейнинг археология бўлимида Қоратепа, Тупроққалъа каби қадимий ёдгорликлардан топилган ноёб ашёлар; тасвирий санъат коллекциясида А.Волков, Ҳ.Тансиқбоев, Усто Мўмин (А.Николаев) сингари машҳур мусаввирлар асарлари; амалий санъат коллекциясида сўзаналар, миллий либослар, зар-

2018 йил 15 июнь – муборак Рамазон хайити кунини Президентимиз Ислом цивилизацияси маркази пойдеворида рамзий тамал тошини қўйди. Марказ, биринчи навбатда, мамлакатимиз асрлар давомида жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми, ислом маданияти марказларидан бири бўлиб келганини акс эттириши керак. Айни пайтда, у ислом дини билан боглиқ бой ва ноёб меросини илмий асосда ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирлар ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, улар билан халқимиз ва жаҳон жамоатчилигини кенг таништириш, халқаро миқёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш, ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлоднинг гуманистик ғоялар, миллий гуруҳ ва ифтихор руҳида тарбиялашга даъват этилган.

Қадриятларимиз

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги “Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 28-29 июль кунлари Сурхондарё вилоятининг Олтинсой тумани Катта Вахшивор қишлоғида бўлиб ўтадиган “Бахши-шоир, оқин ва жировларнинг республика фестивали”га Маданият вазирлиги ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги тайёргарлик ишларини қизғин олиб бормоқда. Фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё вилоятларидан 80 нафардан зиёд бахши-шоир, оқин ва жиров иштирак этиши кутилаётди.

Юртимизда азалдан олита бахшичилик мактаби шаклланиб келган. Уларнинг репертуаридаги ўлмас дoston ва термалар авлоддан-авлодга сайқалланиб ўтиб келмоқда. Бу бардавомликка янгича мазмун бағишлаш мақсадида ўтказилаётган Республика фестивали халқимиз, айниқса, ёшларимизда халқ оғзаки ижодиётига юксак эътибор ва ҳурмат туйғусини янада кучайтиришга, бахшичилик мактабларининг безавол анъаналарини кенг тарғиб қилишга қаратилган аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбари миллий маданиятимизнинг олтин сарчашмаси – бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривож топтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунонки, бахшилар ижодининг сара намуналарини кенг тарғиб қилиш борасида ҳукумат қарори қабул



қилинди. 2018 йилдан “Бахши-шоир, оқин ва жировлар республика фестивали”нинг қайта тиклангани ва давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19-20 январь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида Термиз шаҳрида Бахшилар мактабидан очилгани мамлакатимиз маданий ҳаётида улкан воқеа бўлди. Кўшни давлатлар билан маданий алоқалар кенгайиб, ўзаро дўстлик ва ҳамжихатлик туйғуси кучайиб бораётганини инобатга олган ҳолда ушбу фестивални келгусида халқаро миқёсда ўтказишни режалаштирганмиз, – дейди Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори Азамат Ҳайдаров. – Бу фестивал-шоир, оқин ва жировлар республика фестивали”нинг қайта тиклангани ва давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19-20 январь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида Термиз шаҳрида Бахшилар мактабидан очилгани мамлакатимиз маданий ҳаётида улкан воқеа бўлди. Кўшни давлатлар билан маданий алоқалар кенгайиб, ўзаро дўстлик ва ҳамжихатлик туйғуси кучайиб бораётганини инобатга олган ҳолда ушбу фестивални келгусида халқаро миқёсда ўтказишни режалаштирганмиз, – дейди Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори Азамат Ҳайдаров.

мат Ҳайдаров. – Бу фестивал-шоир, оқин ва жировлар республика фестивали”нинг қайта тиклангани ва давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19-20 январь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида Термиз шаҳрида Бахшилар мактабидан очилгани мамлакатимиз маданий ҳаётида улкан воқеа бўлди. Кўшни давлатлар билан маданий алоқалар кенгайиб, ўзаро дўстлик ва ҳамжихатлик туйғуси кучайиб бораётганини инобатга олган ҳолда ушбу фестивални келгусида халқаро миқёсда ўтказишни режалаштирганмиз, – дейди Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори Азамат Ҳайдаров.

Аброр МЕЛИБОВ

Мозий билан юзма-юз

Хозиргача Марказ ҳар икки йўналишда бирмунча ишларни амалга оширишга эришди. Яқинда биз – бир гуруҳ олимлар Россияга илмий сафар уюштириб, бу ердаги кутубхона, музей ва илмий тадқиқот институтларида изланишлар олиб бордик. Шу жараёнда тарихимиз ва маданиятимизга доир не-не ашёлар мазкур илмий-маданий муассасаларда сақланаётганига гувоҳ бўлдик.

Фикримизга мисол сифатида Москвадаги Шарқ давлат музейини олайлик. Музей фондида 1918 йилда асос солинган бўлиб, унда ўзбек халқининг қадимги замонлардан бугунги кунгача бўлган тарихига оид кўплаб ашёлар жамланган. Музей экспонатлари орасида Ўрта Осиёга оид сопол буюмлар коллекцияси, айниқса, диққатни тортади. 1927 йилдан шакллана бошлаган бу жамланма илмий экспедициялар, шахсий коллекциялар ва турли музейлар фондидан совға қилинган ашёлар асосида вулжудга келган. Энг қизиғи, ана шу сопол буюмларнинг аксарияти VIII-XIII асрларга мансуб бўлиб, шу даврларга тегишли ашёлар Ўзбекистон музейларида ҳам учрайди. Чунонки, Афросиёбдан топилган лаган, исирикдон, хумча, чирогдон, қуфи ёзуви ва эпиграфик безакли сопол идишлар аждодларимиз нечоғли моҳир уста бўлганидан далolat бериб турибди. Энг асосийси, Россияда мазкур ашёларни илмий муомалага кириштиш жараёни тўлиқ тугалланмаган ва бу борада ўзбек олимлари билан



гарлик, хунармандчилик, уй-рўзгор буюмлари сақланаётди.

Шундай қимматбаҳо экспонатларни Россия давлат кинофотохужжатлар архивидан ҳам топиш мумкин. Бу ерда ўтган асрнинг 20-йилларидаги Бухоро ва Самарқанд ҳаётига оид кинолавлар, 1863 йилдан бошлаб шаклланиб келган альбомларда эса бундан кейинги давр миллий тарихимизга оид фотосуратлар сақланяпти.

Биз қайси муассасасга бормайлик, улардаги мутахассислар Ўзбекистон раҳбари хорижда сақланаётган миллий маданиятимиз намуналарининг ягона рўйхатини шакллантириш ва бу маънавий хазинани халқимизга етказишдек олийжаноб ташаббус билан чиққанини яқдид кайд этди ва бизда ҳам шундай сай-ҳаракатлар дарҳол бошланмоғи лозим, деган фикрни изҳор қилди.

Буюк ватандошларимиз – Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Абу Муин Насафий, Кафқол Шоший, Абдуллоҳиқ Фихдуновий, Наҳиддин Қубро, Бурхониддин Марғиновий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳўжа Аҳрори Вали каби алломалар ислом дини ривожига беқиёс ҳисса қўшгани маълум. Ислом цивилизацияси маркази музейидан ушбу алломаларнинг беназир меросига, улар асос солган илмий-диний мактабларга доир юртимиз ва чет элларда сақланётган қадимий қўлёзма ҳамда тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмалар, осори атиқалар, айни йўналишдаги замонавий илмий тадқиқотлар, китоб ва тўпламлар, видео ва фотохужжатлар ўрин олади, илмий-маънавий жасоратлари, улус инсоний фазилатлари кенг тарғиб қилинади. Марказ кутубхонасида эса кўп минг сонли қўлёзмалар, жумладан, хорижда сақланаётган ноёб асарларнинг факсимил ёки электрон нусхалари жамлангани режалаштирилган.

Ер юзининг турли кутубхона ва музейларида сақланаётган миллий маданиятимиз дурдоналари юзлаб эмас, минглаб саналади. Ҳар икки марказ ҳам уларга доир маълумотлар тўплаб илмий тадқиқ этиш учун кенг миқёсда изланишлар олиб бормоғи лозим.

Жаннат ИСМОИЛОВА,
Ўзбекистон тарихи давлат музейи
директори, тарих фанлари доктори

Софдил ва таъсирчан одам мулоҳазали бўлади. Ҳаммининг гапига ишонади. Бу яхшими, ёмонми — билмайман-у, лекин ўзим шунақа эканимни яхши биламан.

Ақсия олиб, ишонамизда тез-тез ҳар хил «миш-миш»лар урчиб, одамнинг ҳаёлини чалғитади. Айниқса, мен билан бир хонада ўтирадиган икки дугона гап-сўздан ҳудди дунёнинг энг четиди бўлаётган воқеа-ходисалардан ҳам бохабардек туюлади. Уларнинг пичир-пичири қулоғимга чалингудек бўлса, таъмом: фикри-зикрими ўшанга кетиб, ҳамма гапини ҳаёл элагидан ўтказиб, поёнига етказиш ҳаракатига тушиб қолам.

Кунларнинг бирида хонага кириб келишим биланок ҳамкасб дугоналардан бирининг: — Ҳой, дугонажон, бу Мусурмонқул ақангиз отдан йиқилиб тушибди-ку, — деб пичирлагани қулоғимга чалинди.

— Йўғ-э? — ҳаяжонланиб деди иккинчиси.

— Ҳа, лекин эгардан тушмабди, — деб таъкидлади биринчиси.

— Вой, энди мен нима қиламан?!

Икки дугонанинг гапини эшитмаслик учун ўз ишимга андармон бўлдим. Қулоқларим уларнинг гапини эшитмаётган бўлса-да, воқеа нима билан тугганини билиш истаги қўнғлимни безовта қила бошлади.

Дарвоқе, одатда одам табиятан бирор гапни чала эшитса ёки воқеанинг оқибатидан бе-хабар қолса, ўзича мантқан хулосалаб қўяди. Ҳудди шундай! Воқеа нима билан тугганини эшитмаганим учун Мусурмонқул ака ва унинг асов оти ҳаёлимни банд этди. Ўша воқеа ҳақидаги фикр-мулоҳазаларим, айниқса, оқшомда, уйқуга ҳозирланиб, ўрин-кўрпага кирганимда кўзғалиб, юрагимни таталай бошлади.



Ахир, ҳеч ким ўзидан ўзи отдан тушиб кетмайдик-ку? Бир балоси бўлмаса... Эҳтимол, от бирор тўсиққа урилган ёки оёғи чалишиб, устидаги одамни учуриб юборган... Хойнаҳой, Мусурмонқул ақанинг дўст-душманлари ҳам йўқ эмасдир, буни қўриб...

Хуллас, шундай ўйларга чулғаниб, кўзим илинганини билмай қўлибман. Тушимда қонга ботиб, ерда инграб ётган хонаниш кишини кўрдим. Бу, албатта, ҳамкасабамнинг Мусурмонқул акаси... Афсус, барвақт уйғониб кетиб, воқеа нима билан тугганини билолмадим.

Одамнинг отдан йиқилиши ё тушиб кетиши — одатдаги ҳол, лекин отдан тушиб, эгардан тушмаслиги... Демак, эгар билан қулаган!

Оқшом ўтган кечадаги тушимнинг давомини қўриб, ниҳоят ўзимни қийнаётган саволларга жавоб топарман деб, ўрин-кўрпага кириб, қанчалик ухлашга уринмай, эрталабгача мижжа қоқмадим. Ҳа, энди одамнинг отдан тушиб, эгардан тушмаслиги жуда ғалати-да... Эгарни чавандозга чирмаб қўлаб ё обдон ёпиштириб қўйиш мумкинми?!. Тавба... Ишқилиб, ўша Мусурмонқул ака отдан сирпа-ниб тушган бўлсин-да...

Мен у кишини танимасам-да, барибир, раҳмим келди. Боши ёрилмаган бўлса ҳам, барибир отдан қулаш ҳудди уйнинг томидан йиқилгандек ёмон. Шунча баланддан тушгандан кейин, ҳеч бўлмаганда, қўл ё оёғи синиши, лат ёйиши, эти шилиниши аниқ. Яхшики, бизнинг отлар ам-

риқо яйловларида юрган ёввойи отлардан кўра ювош, гапга киради. Отнинг тилини топиб, журматини хойига қўйиб, жиловини маҳкам тутиш керак.

Қоидага кўра ҳар қандай ишни оддийдан бошлаган маълумотлар тўплаб илмий тадқиқ этиш учун кенг миқёсда изланишлар олиб бормоғи лозим.

Яна бу жониворни яхшилаб парвариш қилишни, ем-хашагини вақтида беришни ҳам унутмаган маъқул.

Ахир, у «нонини» ўзи топа оладиган эшакмас. Яхши чавандоз, билишимча, ўзи еганини отига ҳам беради. Дарвоқе, бир пайтлар бойлардан бири ўзининг отига меҳри қўйиб, у билан бирга ҳатто шароб ичиб, ундан-бундан гаплашиб ўтирар экан...

Кейин билсам ҳамкасабамнинг Мусурмонқул акаси отидан тушиб кетган кундан буён шифохонада ётганим. Қўриқиб кетганидан юраги хасталанибди. Демак, у йиқилаётди, қаттиқ асабийлашган...

Отга ҳам раҳмим келди: унга ҳам жон ширин. Ахир, одам отдан эгари билан тушаётди, бу безабон жониворнинг қорнини шилиб, у ер-бу ерига озор бериши мумкин...

Айтишларича, бу йиқилиш терговчини қизиқтириб, Мусур-

монқул ақани сўраб шифохонага келибди. Отни яхши ва тўғри мина олмага, қаровсиз қолдиргани учундир... Терговчи ишхонамизга ҳам келиб, ҳамкасабларим билан обдон суҳбатлашди. Демак, мантқан билан айтганда, Мусурмонқул акаси уни ҳам бир неча бор отига миндирган...

Вақт ўтиши билан ҳамкасабамнинг Мусурмонқул акаси билан бўлган воқеалар эсдан чиқиб кетар деб ўйладим. Афсуски, бундай бўлмади. Кейинги пайтлар оқшомлари мўроқ босиши биланок тушимда бири билан ҳаётимамот учун курашаётган отлар ва одамларни, мамот учун курашаётган отлар ва одамларни, мамот учун курашаётган отлар ва одамларни, мамот учун курашаётган отлар ва одамларни...

Отлар ва чавандозлар ҳақида кўп ўйлаверганимданми, хуллас, отни маҳорат билан бошқариш қандай бўлишини бир кўрай деб, циркка кирдим. Тошоша зўр бўлди, завқландим. Пона пона билан уриб чиқарилади деганларидек, уста ва моҳир чавандозлар учқур тулпорларни чоптирганини қўриб, ҳамкасабамнинг Мусурмонқул акаси циркдагидай от минишга ҳаракат қилган бўлса керак деб ўйладим.

Кейин-кейин унинг отини ҳам, ўзини ҳам бутунлай унутдим. Бошқа «миш-миш»лар урчиб кетди...

Муҳсин ҒАНИЕВ

Ҳажвия

Тахририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарибмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Набатчи муҳаррир — Азизхон ИМОМОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 19.45

Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 6028. Буюртма Ғ — 782. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
Ҳа.иқор.лари.ш.з:
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

O'zbekiston adabiyoti va san'ati
Манзиллимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон манзиллимиз: uzas.gzt@mail.ru
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42
Санъат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир
Ўқтам МИРЗАЁР
Тахририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарибмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Набатчи муҳаррир — Азизхон ИМОМОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 19.45

Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 6028. Буюртма Ғ — 782. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВАДА НАРХИ ЭРКИН.
ISSN 2312-614X
9 772312 614000